

МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАЙЁРЛАШДА ПЕДАГОГИК БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ходжакулов Б.Х.

Гулистон давлат университетининг
Мусиқий таълим кафедраси мудири

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мусиқа ўқитувчилари касбий малакаларини оширишига доир фикр ва мулоҳазалар юритилган.

Калим сўзлар: мусиқа санъати, бадиий воситалар, ижодкорлик, маънавий, қўшиқ, куй, услугуб, восита.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена проблеме развития профессиональных знаний и умений учителей музыки.

Ключевые слова: музыкальное искусство, творческие средства, творчество, просвещение, песня, мелодия, метод, средство.

ANNOTATION

This article is devoted to the problem of development of professional knowledge and skills of teachers music.

Keywords: music art, creative means, art, enlightenment, song, melody, method, facilities.

КИРИШ

Бугунги кунда ўрта таълим мактаб ўқувчиларини мусиқа фанини ўқитиш жараёнида уларни малакаларини пухта эгаллаш учун барча имкониятлар мавжуд. Ушбу жараёнда асосий ролни мусиқа ўқитувчиси ўйнайди. Унинг фаолиятига катта эътибор бериш зарур. Мусиқий таълимнинг ўзига хос жихатларидан бири шундаки бугун мусиқа ўқитувчилари эгаллаган маҳсус билимлар, юқори касбий маҳорат, умумий маданият, ғоявий-ахлоқий сифатлар, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг омили сифатида амалга оширилмоқда. XXI асрда ахборот коммуникация кўламигининг кескин ўсиши, инсонларда маънавий эҳтиёжнинг осиши ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаларини янги даражага кўтарди. Чунки, нафақат таълим мазмунига, балки тарбиявий ишларни ташкил қилиш, ўқувчиларни маданиятини ўстириш, унинг йўллари шаклларига ҳам талаб ошмоқда. Мусиқа маданияти дарсларда тарбия масалаларига ҳар томонлама, тизимли ёндашув, тарбиявий ишларни ташкил

қилишга фаол илмий асосланаган услугуб ва воситаларини жорий қилиш келажақда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаёт орасидаги ўзаро олоқаларни чуқурлаштириш имкониятини беради. Мусиқа таълим ўқитувчиларнинг ривожланишининг асосий хусусиятларидан бири бу: ҳозирги пайтда маҳсус билимлар, юқори қасбий тайёргарлик ва инсоннинг умумий маданияти, унинг маънавий хислатлари иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини ечишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Баркамол авлодни маънавий қизиқишиларининг кўп қирралиги ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, вазифаларини амалга оширишда маълум даражада қийинчиликлар туғилмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, нафақат тарбиявий ишларни ташкил сонига, балки уларнинг мазмуни, услуги ва шаклига ҳам талабалар ортди. Тарбия муаммолари ечимини ҳал этишга атрофлича ёндашиш заруриятнинг пайдо бўлиши ижтимоий ҳаётни, маънавий мухитни, ижтимоий мухит билим ўзаро чуқур боғланиши ва тарбиявий фаолиятни ташкил этиш воситаларини, илмий асосланган услубларини тадбиқ этиш билан боғлиқдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўсиб келаётган ёш авлодни мусиқа ва ашула санъатлари ёрдамида тарбиялаш жараёнига тизимли ёндашиш ўзининг максадлилиги ва изчислиги билан тавсифланади. Ҳозирги замон шароитида бўлажак мусиқа ўқитучиларини шахс сифатида шаклланишлари, ижтимоий муносабатларини ривожланиши билан бир жараёнда содир бўлади. Шахсни тарбиялаш жараёни режалаштирилган мазмун ва моҳият эвазига амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида мусиқий таълимнинг барча институтларини таълим-тарбия функцияларининг координатсия асосида оптимал бошқаришга имконият беради. Улар орасидаги мактаб, оила, меҳнат жамоларини ўзаро харакатлари, ўзига хос ижтимоий ахамиятга эга бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик нуқтаи назардан, ундаги назарий ва амалий таълимнинг ўқитилиши кенг тармоқли корхоналарга таянганлигидир. Таълим мазмунида педагогик ва мусиқий тайёргарлик элементларини кесишуви ётади. Замонавий илмий-техника ривожланишининг асосий хусусияти, фан ва техника ютуқларини инсон фолиятини барча соҳаларига жорий этишдан иборатдир. “Техника” – сўзининг маъноси бугунги кунда кенгайди, енги у оддий қурол воситалари билан чегараланиб қолмай, ўз ичига маълум бир илмий-техник билимларни ҳам қамраб олади. Шу сабабли, бу бўлажак мусиқа

ўқитувчиларни касбий ва техник тайёргарлиги бугунги қунда қуидагиларни таъминлаши зарур:

- биринчидан, етарлича юқори даражадаги касбий билим ва малакалар бу билимлар нафақат ижро амалиётида шунингдек, илмий тушунча ва қонунларни қўллашда имкон бериши керак;

- иккинчидан – автоматлаштирилган ишлаб чиқариш шароитида самарли ишлаш олиши учун шахсда индивидуал хусусиятлар ва дунёқарашни шакллантириш зарур;

- умумтаълим мактабларида ўқитувчиларнинг эстетик тарбиялаш ечимини топиша мусиқа маданияти дарслари катта имкониятларга эгадир. Ўқувчиларнинг мусиқий таълим жараёнида эстетик тамойилларини руёбга чиқаришда, ўқитувчидан ўқувчиларнинг назарий билимларини мустақил қўллай оладиган вазиятларини юзага келтириш талаб этилади. Бусиз, ўқувчининг ўйғунлик тайёргарлигига оид асосий вазифалар ўз ечимини топмайди. А бу албатта мусиқа маданияти ўқитувчидан касбий билим ва малакаларини бўлиши талаб этилади. Булар:

1. Ижодий фаолияти, ижрочилик, санъати;
2. Билиш фаолияти (мусиқай саводлилик);
3. Мусиқий санъатни, фаол ташвикот қилишда фойдали фаолият олиб бориш;
4. Талабаларга бериладиган барча билим ва кўнималар ўзаро боғлиқ бўлиб, доимо ривожланиб боради. Орттирилган билим ва кўнималардан келиб чиқсан холда, маҳсус ўқув материаллар асоси аниқланади.

Хар бир касб ўз хусусиятига эга. Мусиқа ўқитувчисининг ўзига хос “сирлари” бор. Мусиқа, санъатга бўлган мухаббат, ўзини болаларга бағишлиш, ўзининг ишига содиклик – бу педагогларнинг доимий хис туйғулардир. Бу касбнинг мураккаблиги – деб ёзади машхур педагог О.А.Апраксина мусиқа маданияти “ўқитувчининг”, ҳам “Мусиқачи” тушунчаларига кирувчи элементларни ўзаро бир-бирига жипслигининг зарурийлигини аниқлаш билан ифодаланса, уларнинг хар бири қўп қиррали тушунча эканлигини унутмаслик зарур. Мусиқа ўқитвчиси ўқув-тарбиявий ишларни олиб боради, ўқитувчиларни дунёқарашларини, фикрлашини ва дидни шакллантиради. У нафақат ўз фанини яхши билувчи кенг дунёқарашли ва маълумотли шахс бўлиб лигина қолмай, балки бу чолғу сўзнинг устаси ҳамда кенг маъносида жамоа шахси бўлиб қолиши зарур.

Асосий вазифалардан бири –мактабнинг ўқув-тарбия фаолиятини янги сифат боскичига кўтариш, уни жамоалар билан ўзаро таъсирини кучайтиришдан иборатдир. Бунинг натижасида ўқувчилар ўқув жараёнида танлаган маълум бир касбини танлаш имкониятига эга бўлсин. Бу вазифа мактабларни юқори малакали мусиқа маданияти ўқитувчилари билан таъминлаш орқали амалга оширилади. Мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш тизими бир-бирига боғлиқ-турғун бирлик, бутунлик, интеграл хусусиятга эга бўлган қонунларга асосланади.

Мусиқай таълимнинг назарий хусусияти биринчи навбатда бўлажак мусиқа ўқувчиларнинг эстетик дидига боғлиқдир.

Бунда биз уйғунликни энг асосий, фундаментал назария бўлиб, у таълим тизими ва мазмунини аниқлаб берувчи, барча ўқув фанларига (умуммиллий ва маҳсус) сингдирилганлигининг гувохи бўламиз. Ўқитувчиларнинг ўйғунлик жихатидан принципини вазифаси жамият ва табиатнинг асосий қонунларини очишдан, талабаларни умумлаштирилган эстетик билимлар билан қуроллантиришдан, ижодий фикрлашни ривожлантиришдан, меҳнат фаолиятида мустақилликга ўргатишдан, касбни яхши эгаллашга тарбиялашдан, компьютер воситаларни қўллай олиш билимларини шакллантиришдан иборатдир.

Фанларнинг касбий-педагогик мазмунида мусиқий таълим, педагогик, психологик, услубий маълумотлардан ўз аксини топиши, ўқув ишлаб чиқариш ишларининг комплекс қурилишида умумсоҳа ва умумтаълим маънога эга бўлиши, мусиқа ўқитувчиларини билимларини тўғри қўллай олиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатда билим ва кўникмаларини конкрет объектларда қўллаши, умумий билимларни бир объектдан иккинчисига ўтказиб олишдан иборат. Педагогика олий ўқув юртларида бўлажк мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашни ўзига хос хусусиятларини, ўқув режасига нисбатан фанлараро алоқаларини кўриб, шуни айтиш керакки, олий педагогик таълим дедактикасида фанлараро алоқалар ўқув режалар тузилишининг асосий тамойилларини ташкил этиб, ўз навбатида у ғоя, тушунча, қонунлар фактлар, билим ва кўникмалар орасида алоқаларни нафақат баъзи бир ўқув фанлари, балки бир цикл ичидаги фанлар ва турли цикллардаги фанлар орасида ҳам алоқаларни ўрнатишга ёрдам беради.

Мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш мазмунида ўқув дастурлари билан асосан уйғун бирликни хосил қилиб, мактабга йўналтирилган турли фанлар билимларнинг мажмуасига таянади. Айрим ўқув режалари мантиқий тузилишида қўйидаги алоқа турлари катта ахамият касб этадилар;

- турли ўқув фанларида кўриб чиқиладиган обектлар орасида;
- турли ўқув фанларда тушунтириладиган турли обуктлар назария қонунлари орқали;
- талабаларни амалий харакатлари ва тадқиқот услублар орқали;
- айрим фанлар қонунларини умумий фалсафий тушунчаларга бирлаштириш орқали.

Касбий тимсоли – жамият ўзгариши билан ўзгариб боради ва унинг мафкураси, маданиятига боғлик бўлади. Шу билан бирга мусиқа ўқитувчиси касбининг асоси бўлиб, инсонпрварликка интилиши ва мусиқий санъат билан узлуксиз алоқада бўлиши ҳисобланади.

Мусиқа ўқитувчиси ажойиб созанда бўлиши зарур. Унинг фаолиятининг муваффақиятлилигини мусиқа асбобида аъло даражада чала олиши, овоз, нозик эшитиш қобилияти,nota саводхонлиги, ифодали ўқиш каби хислатларини аниқлаб беради. Бу масалада Д.Б.Кобалевский шундай деб ёзган эди. “Мусиқа ўқитувчиши билиш” зарур бўлган барча билимлар ичида унинг мусиқа асбобида чала олишини алоҳида такидлаш зарур. Дарсда механик ёзув ёрдамисиз қийналиш мумкин, айниқса синфда хор, оркестр ёки опера сахнаси янграши керак бўлса бундай жараёнида мусиқа асбоби жонли ижро ўрнига ишлатилмай, ўқитувчи ижросига ёрдамчи сифатида қўлланилиши керак. Бу қуйидаги уч нуқтаи назардан ўта зарур:

- биринчидан – жонли ижро ҳамма вақт синфда ҳаяжонли мухатни пайдо бўлишига сабаб бўлади;
- иккинчидан – жонли ижро вақтида ўқитувчи керакли вақтда ҳамиша тўхташи, зарур деб ҳисобланган парчаларни тақрорлаши мумкин, бошланиш вақтида қайтиш имконияти бўлади ва ҳаказо;
- учинчидан, мусиқа асбобида чала оловчи унинг устига яхши куйловчи мусиқа ўқитувчиши, ўз ўқувчилари учун яхши куйловчи мусиқа ўқитувчиши, ўз ўқувчилари учун яхши намуна бўлиб, амалиётда мусиқани ўзи ижро эта олиши қандай зарур ва қизиқарли эканлигини кўрсатади.

Мусиқа асбобида чала олиш, овозга, дирижёрлик маҳоратига эга бўлиш, булар мусиқа ўқитувчиши билиши зарур бўлган билимларни тўлиқ рўйхати эмас. Умумтаълим ва педагогик-психологик мазмундаги фанлар асосида йигилган мусиқий тарбия услубиётига эга бўлишига имкон яратади. Лекин, бу фақатгина маҳоратга катта педагогик меҳнат эвазига йигилган тажрибага, изланиш ва ўз-ўзини доимо манфатларидан воз кечиши эвазига амалга оширилиши мумкин. Хозирги кунда мусиқа ўқитувчиши касби илмий тадқиқот мавзусига айланиб

бораяпти. Педагогик тадқиқотлар олиб борилиб, ўқитувчи фаолиятига қўйилган талабаларни ёритувчи маколалар чоп этилаяпти.

Психология ва педагогиканинг замонавий тадқиқотларига таянган ҳолда мусиқа ўқитувчисини асосий фаолият тури қўйидагича ҳисобланиши аниқланди:

- тадқиқотчилик (мусиқа асарлари ва санъатнинг бошқа турдаги асарлари; ҳамкаслар тажрибаси, ўқитувчилар ва ўзининг ишини тахлил қилиш; ўз ишида қўллаш мақсадида илмий ва услубий адабиётни ўрганиш);
- кинструктивлик (дарслар, дарсдан ташқари мусиқа машғулотлар) тузилиши;
- лойиҳалиш (ўқитувчиларнинг маънавий-эстетик тарбиясига қаратилган ўкув-тарбиявий вазифаларни тақсимлаш ва ривожлантириш, ўқитувчиларнинг билимларни эгаллашлари, уларда билим ва кўникмаларни шаклланиши, уларни мусиқий ва ижодий ривожланиши);
- коммуникативлик (ўқувчилар билан ишонч ва хурмат асосида ўзаро муносабатлар ўргатиш; ўқувчилар орасида обру-эътиборга эга бўлиш);
- ташкилотчилик (ўқув-тарбиявий вазифаларни амалга ечиш).

Сўзиз, буларнинг ҳаммаси бир бири билан боғлиқ бўлиб, ўқувчиларни мусиқий тарбияси вазифаларини ечишга юналтирилган. Дарс жараёнида маълум бир билимларнинг иштирок этмаслиги педагогик фаолиятига салбий таъсир қўрсатиши мумкин. Бу эса ўз навбатида кутилаётган натижаларни бермаслиги мумкин. Ушбу билимлар тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Мусиқа ўқитувчиси маълум даражада тадқиқот ишлари олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши зарур. У мусиқий асарларни танлайди, уларнинг тахлил қиласи, уларни хиссий таъсирини аниқлади, мусиқани ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал кобилиятларга қараб тинглай олишларини ўрганади. Ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида у ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини ва мусиқий қобилятларини ўрганади. Ўқувчининг маънавий дунёси ҳамиша ўқитувчини диққат марказида туради. Ўқитувчини тадқиқотчилик фаолияти жуда кенг, у биринчи синфдан еттинчи синфгача бўлган барча ўқувчиларни ўз ичига олади. Доимий кузатишлар натижасида ўқитувчи педагог сезирликка эга бўлиб, у шароитни баҳолаш, ўқувчини ички ҳолатини аниқлаш ва педагог таъсир қилишнинг тўғри услубини топишга ёрдам беради.

Мусиқий машғулотларини ўтказишни ижодий режалаштириш билан биргаликда ўқитувчи ўз тажрибасини бойитиб, лойхалаштириш ва конструктив

билимларга эга бўлади. Уларга ўқув-тарбиявий вазифаларни фаоллигига диққат эътиборни қаратиб, оптимал мос келувчи услубларни танлаш; ўзини ва ўз фанини маънавий бойитувчи ва мусиқий маданиятни тарбияловчи восита сифатида қараш қиласди. Ўқитувчи муомила санъатига эга бўлиши зарур. У шахс сифатида дарсларда чуқур ва бутунлай намоён бўлади: ўқитувчи асарни ижро этибина қолмай ўзининг бастакорга бўлган муносабатини билдириб, мусиқий асар ҳакида гапириб беради. Шу билан биргаликда ўқитувчиларга нисбатан пайдо бўлган диққат-эътиборлилик, уларда нисбатан ишонч в хурмат хиссини пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўқитувчининг обрўси унинг талабчан бўла олишига бағлиқдир. Ўқувчиларга унинг ёрдами, эътибори, қўллаб-қувватлаши ҳамиша керак. Бусиз эришилган ютуқдантўла баҳраманд бўла олиш мумкин эмас. Албатта, ўқитувчи фаолиятида ташкилотчилик қобилияти ҳам катта ўрин тутади. Ўқувчиларни турли хил мусиқий фаолиятларига жалб этиш маълум даражада қобилиятли бўлишни талаб этади. Бу айниқса, вокал-хор ишларига тааллукли бўлиб, бу ёналишда ўқитувчининг иродаси ва мақсад сари интилишига кўп нарса боғлиқ бўлади. Шунга қарамай натижалар унинг тажрибаси ва машғулотларга тайёргарлиги орқали баҳоланади.

Ўқитувчининг ижоди унинг педагогик топилмалари мактабдаги биринчи мустақил қадамлардан бошланади. Педагог маҳоратга эга бўлиш ундан ўзининг қадир - қимматини ва камчиликларин билиши, ўзини бошқара олиши ўз харакатларига баҳо бера олиши ўзини тарбиялай олишига талаб қиласди. Ўқитувчининг рухий бойлиги, кўп қирралиги, унинг ақли, хуш муомалалаги, маънавий тозалиги ўқитувчиларни бутун борликлари билан ишлашларига катта таъсири этади. Шунинг учун ишонч билан айта оламизки, ўқитувчи шахси мусиқани фан сифатида аниқлаб беради. Йиллар давомида ўқитувчи минглаб дарс соатларини ўтиб, ўқувчиларни эстетик ривожлантириш ва ўз меҳнатида баҳрамад бўлиш учун уларга диққат билан тайёрланади. Дарс баъзида унча кўзга кўринмаган машҳатли меҳнат бўлиб, ўқитувчидан катта ирова ва диққат – эътиборлиликни эгилувчан фикрлаш қобилятини турли педагог вазиятларда тез харакат қилишни талаб қилувчи жараёндир. Ўйлаган натижани, омадсизлик сабабларини қидиришга мажбур этади. Мусиқа дарси мактабда мусиқий тарбияни ташкил этишини асосий шаклидир.

Мусиқий тўгараклар факультетив машғулотларни ўтилишига қарамай барча болаларни бирлаштира оладиган мусиқа дарслари хеч қачон ўзининг ахамиятини йўқотмайди. Дарс жараёни ўз ичига турли фаолиятларни қамараб олади: куйлаш, мусиқий – ритмик харакатлар, болалар чолғу асбоболарда

чалиш, мусиқа тинглаш шулар жумласидадир. Ашула рақс ёки мусиқий асарни ўрганиш учун, бир неча соат дарс ўтилиши зарур, шунинг учун бир дарсда янги мусиқа асари билан танишиши, илгари ўрганила бошланган асар парчасини ўрганишни давом эттириш ва ўтилган дарсни қайтириш каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Масалан: биринчи синфда ўқувчилар “Бойчечак” ўзбек халқ ашуласини ижро этишади, Ф.Назаровнинг “Пахтаой” ашуласини ўрганишни давом эттиришади, уларга таниш бўлган “Дилхирож” ўзбек халқ мусиқаларини эшлишиади.

Дарсга яхши тайёргарлик қўриш педагогик билимдан, мусиқий мавзуларни ривожлантириш имкониятини берувчи ва таълим-тарбияни таъминлаб берувчи жараён бўлиб, ўқитувчи маҳоратига боғлиқ. Ҳақиқатдан ҳам мусиқий тарбия вазифаларини чуқур ўрганишни, ўқувчилар ёшига қараб асар танлашни уларни мусиқий тайёргарлиги бўлиши талаб этилади.

Ўтилаётган дарс мазмунига турли кайфиятлар ва хусусиятларга эга бўлган мусиқий асарлар киради. Шунинг учун уларнинг бир бутунлигига эришишда уларнинг тузилиши мусиқий фаолият турлари бўйича кетма-кетлигини аниқлаш зарур.

Дарснинг мазмунига оид томонларини ўйлаб чиқиша бир асардан иккинчи асарни ўрганишга ўтишга руҳий диққат эътиборлилик, ўқувчилар диққатини биридан иккинчисига қарата олиш жуда зарурдир. Дарс тузишда ҳар бир синф балаларининг ўзига хослигини уларнинг хиссини жисмоний ва ақлий даражаларини инобатга олиш керак. Мисол учун: кичик синф болаларини диққат эътиборини узоқ чўзилмаслиги учун улар қизиқишилари пасайиб кетмаслиги учун фаолият турларини ўз вақтида ўзгаририб туриш зарур.

Мураккаб қўшиқни, рақсни бир неча дарс давомида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мураккаб мусиқий ритмик харакатларни ўргангандан сўнг ашула айтишга ўтиш тавсия этилмайди, чунки қуйлаш диққат эътиборлилик билан бир меъёрда нафас олишни талаб этилади. Бундан ташқари дарсни, дарс жадвалидаги ўрнини – шу куни 1,3 ёки 6 дарс эканлигини инобатга олиш зарур.

Охирги дарсларда болаларнинг чарчоқлиги сезилади. Шунинг учун турли услубларни алмашиниб ўтилишига, болалар қизиқишини тикловчи услубларини танлиш тавсия этилади. Мусиқа дарсини, қайси дарсдан кейин ўтилаётганлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Мехнат, айниқса жисмоний тарбия машғулотларидан кейин ўтилаётган дарсларни болаларда таъсирчанликни пасайтирувчи ва режалаштирилган ишга мослаштирувчи фаолиятдан бошлаш

мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир конкрет ҳолда педагог дарс ўтилаётган синф хусусиятларини болаларни у ёки бу мусиқий фаолиятга қизиқишни, уларнинг тайёргарлик даражасини инобатга олиши зарур. Тажрибали педагоглар дарсни бир бутун қилиб тузишда катта маҳоратга эга бўладилар, дарсни турли элементларини бир бирига боғлаб бир бутун қилиб ўта оладилар. Дарсларда турли услубларни (асарларни, уларнинг айрим қисмларини таққослаш, муоммлали изланиш, ўйин холатлари) қўллаб ўқувчиларни ижодий топшириқлар лабиринтидан олиб ўтадилар. Бундай ижодий топшириқларни бажариш ўқувчиларни фаоллаштиради ва кутилаётган натижаларга эришишга ёрдам беради.

Маълумки, замонавий дарс сифати ўқувчиларнинг фаоллиги билан аниқланади. Фаоллик муаммоси дарснинг қизиқ тузилишига боғлиқ бўлиб қолмай, болаларда қизиқиш уйғотувчи услубларни қўлланишига эмас, балки ўқитувчини ҳар бир ўқувчига инвивидуал ёндошишига боғлиқдир. Бу педагог олдида турган энг мураккаб вазифалардан биридир. Чунки у ўқувчилар билан хафтада атига бир марта учрашади, мусиқа дарси эса жадал жараённи намойиш этади, ва талаб этади. Шунинг учун ўқитувчи ўз ўқувчиларини яхши билиши, уларнинг кучли ва заиф бўлиши, уларнинг кучли ва заиф томонларини қизиқишлирини эсда сақлаши, бола дунёсига кира олиши, уларнинг ҳар бирининг имкониятини оптимистик баҳолай олиши зарур, дарсда доимо бола билан муомила қилишга ҳаракат қилиши зарур, чунки тўғри берилган саволлар айрим овозда сездирмай айтиб туриш, тушунмовчиликни англатувчи қарашлар, далда берувчи бош иргашлар бу жараённи тўла амалга оширишга ёрдам беради.

Ўқитувчининг ҳаракатлари ва мимикаси ҳам катта таъсир қилувчи восита ҳисобланади. Замонавий мусиқа дарсини маҳсус жиҳозларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кабинетнинг эстетик жиҳозланиши турли хил бўлиши мумкин лекин у дарс ўтиш учун қулай шарт-шароит яратиши керак бўлади. Дарсда болаларга мусиқий асбоблар, техник воситалар керак бўлади. Уларнинг сифати, замонавий тайёргарлик ва оқилона фойдаланиш дарсни ўтказишга ёрдам беради. Бугунги кунда мусиқа маданияти ўқитувчиси болаларни турли хил ижродаги (орекстр, хор, ансамбл)лар билан таништиришга ёрдам берадиган, тасмага ёзиб олинган мусиқий асарлар ўқувчиларни айрим мусиқий асбобларни жаранглаши ва инсон овозининг ифодалилигини кўрсатувчи услубларни қўллаш катта ахамиятга эгадир.

Дарсларда болаларни мусиқий эшлиши қобилиятини ривожлантирувчи кўргазмали қуролларни қўллаш ҳам алоҳида ахамият касб этади. Нота

жадвалларини қўллаш жараёнида нотага қараб қўйлаш кўникмаларига эга бўлиш содир бўлади. Бу кичик ашула ва кўйларни тез ўрганишга ёрдам беради. 1-синфда кўргазмали қуроллар мусиқий-дидактик ўйинларда ва маҳсус топшириқларда қўлланилади.

Хулоса қилиб, айтиш керакки дарсга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мусиқа маданияти ўқитувчидан ҳамиша ижодий ёндошишни билимларини, профессионал тажрибани фаол намоён этишни талаб этади. Мусиқа дарси ўқитувчи ижоди натижаси сифатида ўқувчиларнинг ички дунёсиг ғоявий – хиссий куч сифатида таъсир этиб уларда мусиқага қизиқишини, у билан муамила қилишига эхтиёж тўғдиради, ўқувчиларда компютерларни ўрганишда техник фикрлашга, тадқиқотчи нуқтаи назаридан ёндашишга асосланади. Бизнинг педагогик олий ўқув юртида иш тажрибамиз шуни кўрсатадики, дарс жараёнини замонавий педагогик технолгиялар орқали ашула ва мусиқа машғулотларини ўтказилишида талabalарни эшлиши қобилиятини яхшилайди, мусиқий билимни шакллантиради, компьютер саводхонлигини ва тушуниш одатларини тарбиялайди, мусиқани ўрганиш жараёнини тахлил қилишини ўргатади, Мусиқий жараённи такомиллаштириш ёлларини излаш, яъни чин дилдан, топкирлик билан ишлашга ўйнайди. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда, улар эга бўлган билим ва кўникмалар биргаликда мақсадли тизимини ташкил этган, илмий ғоялар, қонунлар, тушунчалар, ижодий фикрлаш каби кўникмаларининг педагогик фаолиятда қўлланилсагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Узвий тамолийлигига риоя қилиш биринчи навбатда ўқув режалари, дастур ва дарсликларини кайта кўриб чиқиб тузиш учун ҳам зарур.

ХУЛОСА

Мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш заминида уларнинг билимларни мунтазамлигини текшириш, умумлаштиришни, умумтаълим, уйғунлик ва қасбий-педагогик даражасида текширилиш зарур. Бу билим даражалари, педагогик фаолиятда ўзаро муносабатда бўладилар. Мусиқа маданияти ўқитувчиларини маҳсус тайёргарлик шаклларини ишлаб чиқиш, назарий даражага қўтариш, назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган ўқитувчилар тайёрлашни самарадорлигини такомиллаштириш ёллари орқали амалга оширилиши зарур. Педагогика институти талabalari замон талабага мос, ўқувчиларни профессионал таълим, мусиқа ва эстетик тайёргарлигини амалга ошириш учун етарлича тайёргарлик қўрадилар. Бу эсамусиқий дарслар тарихий, психологик

социологик, назарий, услубий фанларни ва мактабдаги педагогик амалиёт билан биргаликда бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш М Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлашюрт тараккиёти ва халк фаровонлигининг гарови. Т., Узбекистон”2017-48б.
2. Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. Инновационные технологии оптимизации учебного процесса. В кн.: Образование: опыт, проблем, преспективы. Учебное пособие. Т.: “ЯНГИ АСР АВЛОДИ”, 2001. – с. 67-99.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори FFTаълим тараққиёти журнали., 2004--. 5-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 149-сонли буйруғи FF “Маърифат” газетаси. – Т.: 2006 йил, июн.